

# Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2024-yil 24-dekabr, seshanba

№ 51 (9319)

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti\_gazetasi

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIIY MAJLISI SENATINING IKKINCHI YALPI MAJLISI TUG'RISIDA AXBOROT

21 dekabr kuni Toshkent shahrida Ўzbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senatining ikkinchi yalpi majlisi ўz ishini davom ettirdi.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, маҳаллий кенгаш депутатлари, Сенат ҳузурдаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцадоқа тарихда ўтказилган ялпи мажлиси Ўzbekiston Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг YouTube тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Ялпи мажлисининг учинчи иш куни сенаторлар томонидан дастлаб "Корпоратив муносабатларнинг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўzbekiston Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда корпоратив муносабатларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, юридик шахсларнинг ўз аҳамиятини йўқотган айрим ташкилий-ҳуқуқий шакллари тугатиш ва корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини жорий этиш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, корпоратив муносабатлар ва юридик шахсларни бошқариш жараёнини такомиллаштириш, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга янги турдаги институтларни жорий этиш ва уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш, шунингдек, юридик шахсларнинг эскирган ёки кам аҳамияти ёхуд ўз аҳамиятини йўқотган ташкилий-ҳуқуқий шакллари бекор қилиш зарурати юзага келган.

Муҳокама қилинган қонун билан унитар корхона ва қўшимча масъулияти жамият шакллари тугатиш, маъсулияти чекланган жамиятларнинг таъсис шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш талабини



бекор қилиш ҳамда корпоратив шартнома, консорциум ва консорциум шартномаси каби институтларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, ҳўжалик жамиятлари кузатув кенгашларининг акциялар, корпоратив облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорларини ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ муҳим факт сифатида ошкор этиш талаби киритилмоқда.

Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги, шунингдек, қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензия берилганлигига тааллуқли ахборотни эълон қилиш белгиланмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонун ҳўжалик жамиятларининг фаолиятини ва уларни бошқаришни соддалаштириш,

корпоратив муносабатларни такомиллаштириш, ҳўжалик жамиятларининг акциядорлари ва иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янада ишончли воситаларини жорий этиш, амалиётда ўз аҳамиятини йўқотган қатор тартиб-таомиллар ҳамда талабларни бекор қилиш орқали корпоратив муносабатлардаги бюрократиянинг олдини олишга хизмат қилади.

Муҳокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра "Сейсмик хавфсизликни таъминлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўzbekiston Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда шаҳарсозлик соҳасини такомиллаштириш ва объектларнинг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш бўйича тизимли чоралар кўрилмоқда.

Сўнги 3 йилда 100 мингга яқин объектлар қурилиши устидан Қурилиш инспекцияси томонидан давлат назорати ўрнатилган.

Шунга қарамай айрим қурувчилар томонидан белгиланган нормаларга амал қилмаслик ҳолатлари ҳам ортиб бормоқда. Жумладан, 2022 йилда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликни бузиш билан боғлиқ 6 мингдан зиёд ҳуқуқбузарлик аниқланган бўлса, 2023 йилда бу рақам қарийб 8 мингтани ташкил қилган. 2024 йилнинг фақатгина 11 ойида эса бу кўрсаткич қарийб 9 мингтани ташкил этган.

Аниқланган сифатсиз қурилиш-монтаж ишлари бўйича 4 мингдан зиёд объектда қурилиш ишлари тўхтатилиб, уч йил мобайнида 1,5 мингга яқин буздириш ишлари амалга оширилган.

Бундан ташқари, тадбиркорлар томонидан ноқонуний қурилишни амалга ошириш ҳолатлари ҳам кўпайиб бормоқда. Хусусан, 2022-2024 йилнинг ўтган даврида 13 мингдан ортиқ объектда давлат рўйхатидан ўтказмасдан қурилиш ишлари бошлаб юборилган.

Бу каби камчиликларга турли ташкилий ҳамда ҳуқуқий бўшлиқлар мавжудлиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Хусусан, рухсатсиз қурилишни амалга ошириш, бош режага, объектларни фойдаланишга қабул қилиш қоидаларига риоя қилмасликни ҳамда кўп квартиралли уйлари ўзбошимчалик билан ертўла ва биринчи қаватини бузиш ёки реконструкция қилганлар таъсирчанлигининг пастлигини мисол сифатида келтириб ўтиш мумкин.

Ҳатто қонунчиликда лойиҳачи томонидан берилмаган кўрсатмаларни бажармаганлик учун жавобгарлик белгиланмаган.

Бу эса Қурилиш инспекцияси ва лойиҳачиларнинг кўрсатмалари буюртмачи томонидан бажарилмаслигига сабаб бўлмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)



## ХИТӨЙЛИКЛАР

### КАРТОШКАДАН ГУРУЧ ТАЙЁРЛАШНИ БОШЛАДИЛАР

*Хитойнинг жануби-ғарбий қисмидаги Юннан вилоятида янги технология асосида картошкadan тайёрланган гуруч шаклидаги крахмалли маҳсулот дастлабки ишлаб чиқариш ва сотиш синовларидан ўтказилмоқда.*

Янги маҳсулот юқори ҳосилдорликка ва кенг мослашувчанликка эга, аммо сақлаш муддати қисқа бўлган картошкани Хитойда машҳур асосий озиқ-овқат маҳсулотига айлантириш имкониятига эга. Бу орқали мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга ёрдам беради.

Хитой Фанлар академияси академиги, физик-кимёгар Ву Си беш йил давомида картошқа крахмалли макромолекуларининг хусусиятларини физик даражада ўзгартирадиган технологияни ишлаб чиқди. Бу технология крахмал занжирининг шаклини ўзгартиради.

Олимларнинг айтишича, "картошқа гуручи" юқори ҳарорат ва юқори босимда ишлов берилгани сабабли, уни ювиш ва ивигиш шарт эмас. Уни оддий электр гуруч пиширгичида ҳақиқий гуруч каби пиширса бўлади, бунда сув миқдори ва пишириш вақти гуруччиқидан анча кам бўлади.

Ишлов берилгандан сўнг, маҳсулотни узоқ вақт давомида хона ҳароратида, шамоллатиш ёки ҳарорат ва намликни назорат қилиш заруриятисиз сақлаш мумкин. Бу янги картошкadan фарқли ўлароқ анча қулай, чунки янги картошқа қисқа муддат сақлангани ва сақлаш харажатлари юқори бўлгани учун ноқулайдир.

Ҳозирда компания 158 минг гектар майдонда картошқа етиштирмоқда ва ундан умумий қиймати 10 миллиард юан (тахминан 1,37 миллиард АҚШ доллари) бўлган 3,5 миллион тонна маҳсулот олмақда.

Уяна шуни қўшимча қилдики, картошкани мамлакатнинг кўп қисмида худудларида экиш мумкин ва қайта ишлаш технологияси қашшоқликни бартараф этиш бўйича саёй-харакатларга қўмаклашишда катта салоҳиятга эга.



## КЎК МЕВАЛАР

*Жаҳон бўйича кўк мевалар (голубика) ишлаб чиқарилиши йилдан-йилга 10% га ошмоқда. Ушбу мевалар малина билан муваффақиятли тандем яратгани туфайли мева асортиментида етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Шу сабабли уни етиштириш жадал ривонлантирилмоқда.*

Кўк мевалар узоқ муддатли сақланиш хусусиятига ва соғлиқ учун кўп қўлдан фойдали жиҳатларга эга бўлиб, талабни оширувчи асосий омил ҳисобланади. Шу билан бирга, 2013-2022 йиллар давомида малина ишлаб чиқариш йилига қарийб 9% га ўсган.

Европа бозорида Германия кўк мева ва малинанинг энг муҳим истеъмолчиларидан бири ҳисобланади. 2023-йилда Германия 64 минг тонна кўк мева ва 35 минг тонна малина импорт қилган, бу

эса 2014 йилдагига нисбатан икки баравар кўпдир. Мазкур мевалар таркибида кўп қўлдан антиоксидантлар, витаминлар ва минераллар мавжуд бўлиб, улар иммунитетни мустаҳкамлаш, юрак-қон томир тизимини ҳимоя қилиш ва қаришни секинлаштиришга ёрдам беради. Ушбу фойдали хусусиятлари туфайли кўк мевалар истеъмоли дунё бўйлаб ортиб бормоқда.

Ўzbekiston Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ахборот хизмати

## “ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ” – БОЛАЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ БАЙРАМИ

“Президент арчаси” тантаналари ҳар йили баланд руҳда бўлиб ўтади. Бу йилги байрам аввалги йилларда мутлақ ўхшамаган халқона, ёрқин, таассуротларга бой тарзда ўтказилди.

Шу муносабат билан пойтахтимиздаги “Ўzbekiston” халқаро форумлар саройига асосан ижтимоий ҳимояга муҳтож, ота-она қарамоғисиз қолган, имконияти чекланган болалар тақдирини қўлдан олиб берилди.

Мазкур тадбир юртимиз келажак бўлган болалар учун алоҳида эътибор ва ғамхўрликни ифода этади. Давлатимиз раҳбарининг қўллаб-қувватлаши остида олиб борилаётган ижтимоий ислохотлар, айниқса, болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қамровли дастурлар бунинг ёрқин мисолидир.

Байрам дастури болажонлар учун театр томошалари, интерфаол ўйинлар, цирк артистларнинг қизиқарли чиқишлари ҳамда машҳур эстрада хонадалари қўшиқларига бой бўлди.

Мамлакатимизда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга сифатли таълим-тарбия бериш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, “Президент совгаси” ижтимоий дастури доирасида кўнгли ярим болаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга катта аҳамият қаратилмоқда.

Шу билан бирга, “Президент совгаси” дастури доирасида ҳам республика бўйлаб жами 10 минг 282 нафар Мехрибонлик ва Мурувват уйлари ўғил-қизлари, “SOS –



болалар маҳаллалари”, Оилавий болалар уйи тарбияланувчилари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, юртимиз тинчлиги йўлида қурбон бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг фарзандлари учун 12 номдаги ўқув қуроллари ва 15 номдаги ширинликлардан иборат бўлган Президент совгалари тайёрланди.

“Ўzbekiston” халқаро анжуманлар саройида қўшиқлар, қувноқ ўйинлари авжида. Бегубор болаларнинг ёдга солувчи ушбу лаҳзаларда барчаннинг кўнгли шодликка тўлган.

– Бу йилги байрамнинг ўзига хос йўналишда ташкил этилгани болаларга манзур бўлмоқда, – деди пойтахтимиздаги 22-Мехрибонлик уйи директорининг маънавий-

маърифий ишлар бўйича ўринбосари Хурсаной Холова. – Сарой фойеси кўп қўлдан бурчакларга бўлинган бўлиб, уларда болалар учун ажойиб ўйинлар, викториналар ташкил этилгани эътиборга молик.

– “Президент арчаси” тантаналарида қатнашишни ҳар бир бола оруз қилади, – деди Toshkent шаҳридаги 30-Мехрибонлик уйи тарбияланувчиси Жавоҳир Данилов. – Биз бу байрамда юртимизнинг машҳур инсонлари, санъаткорлар, спорт юлдузлари билан кўришиш, улар билан суҳбатлашишга муваффақ бўлдик.

– Тарбия масканимиз катта бир оилага ўхшайди, – деди 30-Мехрибонлик уйи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Фанилия Габбасова.

– Болалар ушбу байрамга катта тайёрларлик кўрдилар, байрамона кийимлар тайёрлашди. Шеър ва қўшиқлар ўрганишди. Давлатимизнинг болажонларга меҳр ва эътиборини ўғил-қизларимиз наинки ушбу тантаналарда, балки ҳар кун, ҳар лаҳзада ҳис этмоқда.

– Бундай тантанали тадбирда болалар билан учрашиш, суҳбатлашиш орқали уларнинг қалбига қувноч улашишдан ортиқ бахт бўлма маса керак, – деди оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони Руслан Нуриддинов. – Болажонларга нафимиз теккани ва уларга бир олам қувноч бағишлаганимиздан жуда мамнун ва бахтиёримиз.

Муҳташам саройнинг залида



Аслиддин АЛИЖОНОВ (ЎЗА) олган суратлар.





Сарҳисоб

# УРУҒЛИК ЭКИНЛАР АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ВА ПАРВАРИШ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

Ниҳоялаб бораётган ушбу йил ҳам наманганликлар учун ҳар жиҳатдан баракали, муваффақиятларга бой йил бўлди. Вилоятимиз деҳқону фермерлари ҳамжиҳатликда иш тутиб, ўз олдларига қўйган мақсадни ёруғ юз билан удалашди.

Вилоятимизда жорий йил ҳосили учун 271 та фермер хўжаликларига томонидан 5880 гектар майдонда уруғлик ғалла экилиб, келгуси йил ҳосили учун қарийб 16 минг 600 тонна сара уруғлик дон жамғарилиши режалаштирилган. Президентимизнинг 2018 йил 27 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида уруғчилик тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоятимиздаги элита уруғчилик хўжаликларининг 200 гектар майдонига уруғлик ғалланинг юқори авлодли навлари экилди. Албатта, уруғлик экинлар алоҳида эътибор ва парваришни талаб қилади. Шу боис ҳам уруғлик ғалла майдонларида агротехник тадбирларнинг ўз вақтида бажарилиши бўйича мунтазам мониторинг ишлари олиб борилди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 28 январдаги "Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилигини янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳамда вилоятимиз ҳокимининг шу мазмундаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг январь ойида уруғлик ғалла майдонларига минерал ўғит ва кимёвий воситалар захирасини яратиш бўйича биринчи мониторинг ишлари амалга оширилди. Феврал-март ойларида эса, уруғлик ғалла майдонларида баҳорги биринчи озиклантириш ишлари олиб борилиб, ушбу озиклантирилган майдонларда "шарбат" усулида суғориш ишларини ташкил этиш бўйича иккинчи мониторинг ишлари олиб борилди.



касаллик ва зараркундаларга қарши курашиш ишларининг олиб борилишини назорат қилиши мақсадида яқуний – учинчи мониторинг ўтказилди.

Бундан ташқари, келгуси йил ҳосили учун сифатли уруғлик дон жамғариш мақсадида вилоят ҳокимининг ўринбосари томонидан Дон, дуккакли экинлари илмий-тадқиқот институтининг Наманган илмий тажриба станциясида апробация кўргазмали семинари ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 октябрдаги қарори Низом талаблари асосида уруғлик дон етиштирилган 5880 гектар уруғлик ғалла майдонларида бошоқли донлар наводорлиги бўйича апробация ўтказилди. Апробация натижасига кўра 1425 гектар майдон бегона нав ва бегона ўт қўлиги сабабли уруғлик экин экишга яроқсиз, деб топилди. Уруғликка яроқли деб топилган 4455 гектар майдонлар ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига давлатга уруғлик дон топшириш режаси қайта қўриб чиқилди. Бундан ташқари, яроқли деб топилган 4455 гектар уруғлик майдон учун 29 та комбайн ажратилиб, мутахассислар томонидан уруғлик доннинг сифатли



ўрилиши, нав аралашмаларига йўл қўймаслик каби ҳолатлар назорат қилиб борилди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари томонидан тасдиқланган дислокация асосида навлар бўйича 2 та уруғлик дон тайёрлаш цехи ҳамда элита уруғчилик хўжаликларига ўз ДСт 2823:2014 давлат стандарти талаби бўйича уруғлик донлар қабул қилиш ишлари олиб борилди. Жумладан, "СНhortoq Best seeds" МЧЖ дон қабул қилиш шаҳобчасига Аср навидан 2073 тонна, Алексеич навидан 2858 тонна, Антонио навидан 418 тонна, Васса навидан 157 тонна, Давр навидан 100 тонна, Собербаш навидан 27 тонна, Ультра навидан 10 тонна жами 5643 тонна, "Uchqo'rg'on Best seeds" МЧЖ дон қабул қилиш шаҳобчасига Гром навидан 1937 тонна, Гурт навидан 254 тонна, Ўзбекистон-25 навидан 513 тонна, Давр навидан 1174 тонна, Нодиро навидан 323 тонна, Қадр навидан 332 тонна, Васса навидан 172 тонна жами 4705 тонна, Элита уруғчилик хўжалиги МЧЖлар томонидан 706 тонна сара уруғлик дон етиштирилиб, 292 тонна уруғлик цехларга топширилди. Қолган 414 тонна сара уруғлик дон ўз омборларига жамғарилди. Жорий йил ҳосилидан вилоятимиз бўйича жами 11894 тонна сара уруғлик дон қабул қилинди. "СНhortoq Best seeds" МЧЖ, "Uchqo'rg'on Best seeds" МЧЖ цех омборлари касаллик ва зараркундаларга қарши дориланди ҳамда "Uzbek

seeds" миллий бренди остида уруғлик дон графикалар асосида сараланиб, қайта ишланди. Бундан ташқари, ҳар бир туманда фермер хўжаликлари уруғлик етказиб бериш мақсадида дон тарқатиш шаҳобчалари ташкил этилди. Жумладан, "СНhortoq Best seeds" МЧЖ томонидан Поп, Наманган, Косонсой, Чортоқ, Уйчи, Янгйўлғон туманларида ҳамда "Uchqo'rg'on Best seeds" МЧЖ томонидан Чуст, Мингбулок, Норин, Учкўрғон, Тўрақўрғон туманларида дон тарқатиш шаҳобчаси ташкил этилди. Ушбу ташкил этилган шаҳобчалар орқали 2025 йил бошоқли дон ҳосили учун режалаштирилган уруғлик донлар фермер хўжаликлари етказиб берилди. Бугунги кунга қадар "СНhortoq Best seeds" МЧЖга қабул қилинган 5643 тонна ва 2023 йил ҳосилидан тиндирилган 1849 тонна уруғлик дон гектарига ўртача 250 кг дон дориланиб, сертификат асосида фермер хўжаликларига чиқарилди. Бундан ташқари "СНhortoq Best seeds" МЧЖ томонидан 596 тонна, "Uchqo'rg'on Best seeds" МЧЖ томонидан 275 тонна жами 871 тонна уруғлик дон Тошкент вилоятига шартнома асосида сотилди.

Вилоятимизда келгуси йил ҳосили учун тиндирилган уруғлик захирасини яратиш мақсадида 1880 тонна уруғлик донлар махсус омборларда сақланмоқда. Ўтказилган танлов натижаларига кўра 2025 йил уруғлик ғалла ҳосили учун 224 нафар фермер голиб деб топилди, 4 минг 300 гектар майдонда уруғлик дон етиштириш белгиланди. Бундан ташқари, топшириқ ижроси бўйича танлов ҳужжатларини агроплатформа.уз ахборот тизимига онлайн юритиш ишлари туман қишлоқ хўжалиги бўлимлари томонидан амалга оширилди. Бугунги кунда вилоятимизда 4 минг 300 гектар майдонда уруғлик экин белгиланган тартибда парваришланмоқда.

**Ойбек ХАЙДАРОВ,**  
Уруғчиликни ривожлантириш маркази ДМ Наманган вилояти бошқармаси бошлиғи.

Хаёт йўллариди

Маршрутдаман. Истайсизми, йўқми, ўриндиқларда ўтирганларга, уларнинг хатти-ҳаракатига эътибор берасиз. Рўпарамда ўтирган икки аёлга разм соламан. Бозордан қайтаётгани аниқ, оёғи остига қўйган катта сумкаси ҳар машина силкинганда силжиб, мен томон сурилиб келади.

## ЎЗ ҚАДРИНГНИ БИЛМАСАНГ...

Аёл бундан минг ҳижолат бўлиб, менга қарайди-да, катта сумкани ўзи томон тортиб қўяди. Аёлини ҳижолатдан қутқариш учун маршрут эшиги томон нигоҳимни олиб қочдим. Бекатларда кимдир тушиб, ўрнига яна кимдир чиқпти. Жим кузатиб кетдим. Навбатдаги бекатда бир амаки шоша-пиша тушаётган одамларга йўл ҳам бермай маршрут эшигидан бошини суққанча ҳайдовчига қараб, "уч минг бераман, бўладими?", дея икки-уч бор такрорлади. Маршрут ичидаги йўловчилар бир-бирига маъноли қарашди. Таваб, устидаги кийим-бошидан ночор одамга ўхшамайди. Йўл ҳақи атига тўрт минг бўлса. Наҳот шунга ҳам тортишса, балки пули кам қолгандир? Хаёлимдан ўтказдим. Йўловчиларнинг тушишига ҳалал бериб тинмай гапирётган амакига ҳайдовчи жаҳли чиқибми ё раҳми келибми пул бермасангиз ҳам майли, тезроқ чиқинг, деди. Йўловчи амаки бизга қараб қошини кериб, "Кўриб қўйларинг, мен шунакаман", дегандай гердайиб орқа ўриндиққа бориб ўтирди.

Манзилга етишга икки бекат қолди. Одатда шаҳар ичида юрадиган маршрутларда йўловчилар йўл ҳақини чиққан захоти берадилар. Бояг амаки чўнтагидан бир даста пул чиқариб, ичидан битта ўн минг сўмликни ажратиб олди. Олдинги ўриндиқдаги аёлга пулни узатди-да, ҳайдовчи томонга қараб балинд овозда "Автовокзалда тушаман", деди. Йўловчилар амакининг пулини орқадан қўлма-қўл узатаркан, ўзаро бир-бирларига маъноли қарашди. Бу қарашдан шунча пули бор экану, нега йўл ҳақини талашди, деган маънони ўқиб олиш кийинмасди. Ҳайдовчи қайтим узатди. Пул орқа ўриндиққа томон яна қўлма-қўл бўлди. Ўртада ўтирган ўн икки ёшлардаги бола пулни узатаётгани билмасдан пул орасидаги тангаларни тушириб юборди. Амакининг бароқ қошлари чимирилиб кетди.

"Қанақа ладивор боласан, маҳкамроқ ушласанг бўлмайди", дея тўнғиллади. Айбисиз-айбдор бола сумкасини ўриндиққа қўйиб, эгилганча тангани қидира бошлади. Унга қўшилиб, ёнида ўтирган опа ҳам, қўйинг-ки, маршрутдаги ҳаммаимиз оёғимизни кўтариб, сумкамизни у ёқ, бу ёққа суриб, тангаларни излай-излай охириги бекатга етиб келганимизни сезмай қолибмиз. Бирин-кетин йўловчилар тушишди. Йигитча тангани топа олмаганидан ҳижолат чекиб, сумкасида беш минг сўм олиб амакига узатди. Амаки жаҳл билан боланинг тангани слтаб ташлади, пулни олишга орийат қилдимиз, тангани ўзи қидира бошлади. Кўзим болада. Бола маршрутдан тушиди-ю, худди амаки қувиб борадигандай, ҳадик аралаш ортига қарай-қарай қадамни тезлатди. Маршрутдан узоклашмай, манзилга юрадиган автобусни кутялман-у, икки кўзим маршрут ичида эмаклаб, ҳамон қайтимни қидираётган амакида. Охири ҳайдовчининг сабри чидамасди шекили қаттиқроқ гапирди: тушасизми, йўқми? Сизни яна қанча кутай? Мен ортга қайтишни керак. Амаки норози қиёфада маршрутдан гудранганча тушиб, йўлниг у юзига ўтиб кетди.

Уйга етгунча шу воқеадан чалғий олмадим. Шу инсон учун ёнида етарли пули бўла туриб белгиланган йўл ҳақини минг сўмга арзон қилиш нечоғлик ўринли эди? Тангаларни эмаклаб қидиришчи?

Мухайё ЎРОҚОВА



## ЖОМБОЙДА ЯНА БИР ЗИЁРАТТОҒ ОЧИЛДИ

Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида Шайх Абдулазиз Шамсулайимма – Ҳолвойи ёдгорлик мажмуасининг очилиш маросими ўтказилди.

Шайх Абдулазиз Шамсулайимма – Ҳолвойи Х-ХI асрларда яшаб ўтган фикс намояндаси, ўнлаб шогирдлар тайёрлаган буюк маърифатпарвар бўлган. Унинг шарият қоидаларига асосланган фатволари илмий асосланганлиги, пухта ва аниқ, тушунарли тарздаги баёни билан ўз даврда қадрланган ва бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Тарихчи ва манбашунос олимлар узок йиллар давомида бу шахс дафн этилган масканни Бухоро, Шаҳрисабз ва Самарқанд шаҳридан излашган. Кейинги тадқиқотлар алломанинг қабри Жомбой туманида эканини тасдиқлади.

Таниқли олим Комилхон Каттаев бошчилигидаги манбашунослар 2008 йилда Ҳолвойи маҳалласидаги қадимий қабристондан у зотнинг мангу қўнимгоҳини қайд этган, хашар йўли билан сағана барпо этилган. 2022-

2024 йилларда фаоллар, саховатли тадбиркорлар ва зиёлилар қўмағи билан зиёратгоҳ янада обод қилинди. Қабр устига мухташам макбара ва хонақоҳ қурилади. Мажмуанинг очилиш маросимида самарқандлик таниқли олимлар, дин намояндаси, зиёлилар ва нурунийлар иштирок этди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси вилоят бўлими раҳбари ўринбосари Хайрулло Сатторов, манбашунос олим Комилхон Каттаев сўзга чиқиб, Шамсулайимма ҳазратларининг ҳаёти ва фаолияти, илмий мероси ҳақида батафсил маълумот берди. Тадбирда ушбу муборак масканни обод қилишда ўз ҳиссасини қўшган барча фидойилар, уста-қурувчилар, маърифатли тадбиркорларга маҳалла аҳли номидан миннатдорлик билдирилди.

Ғолиб ҲАСАНОВ,  
ЎЗА муҳбири



Барча юртдошларимизни, жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган фидойи соҳа вакиларини, ҳамкасбларимизни ақинлашиб келаётган 2025 йил билан муборакбод этамиз. Янги йил барчамиз учун баракали келсин, янги-янги марраларни забт этиш, қувончу шодлиқлар йили бўлсин!

### Уруғчиликни ривожлантириш маркази ДМ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

## Соғлиқ – ўзимизга боғлиқ

ЮМОР ОСТИГА  
ЯШИРИНГАН

## аччиқ ҳақиқат

Нега япон юз йил яшару,  
Ўзбек бунча ёшга бормайди?  
Чунки япон биздек қоронғу  
Сахар туриб ошга бормайди...

Шоир Эркин Воҳидовнинг бу сатрларида нақадар аччиқ ҳақиқат юмор остига яширилган. Бугун вужудга келаётган янгидан янги касалликларнинг ҳам аксарияти инсон ўз саломатлигига ўзи бефарқлигидан, тўғри овқатланиш қоидаларига, тозалikka риоя қилмасликдан, камҳаракатлиликдан, қолаверса, бадантарбия билан шуғулланмасликдан пайдо бўлапти, десак янглишмаймиз.

Барвақт уйғонган кунингизни бир эсланг, кун мобайнида қанчалар тетик ва бардам юрасиз. Сахар туриб, иш кунингизни бадантарбия билан бошласангиз нафақат танингиз, балки руҳиятигиз ҳам тетиклашади. Аммо...

Аммо иш, ўқиш, турмуш ташвишлари сабаб эрталоқ туришга эринамиз. Гарчи нахорги ош, тўю базмлар, маъракаларга вақт ва куч топсақ-да...

– Одам бошқа мавжудотларга қараганда ижтимоий мавжудот бўлганлиги учун жамоа олдидан бурч, масъулият деган ҳисларга кўпроқ эътибор қаратади, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган нарсани пухта бажаришга ҳаракат қилади, – дейди психолог Бобоёр Тўраев. – Кўпчиликининг назари, кўпчиликининг баҳоси билан кўпроқ ҳисоблашади. Одатда бунинг замирида

кўрқув, ҳадик ётади, жуда ҳам қадимий кўрқув. Одамлар олдидан хижолатли ёки айбдор бўлиб қолмаслик учун тонгда бўладиган маросимларга, ҳатто мажлисларга ҳам кечикмай боради. Айниқса, Шарқ халқларида жамоа олдидан бурч тушунчалари анча юқори ўринда туради.

Кайковуснинг "Қобуснома" асаридан инсон учун бир кунда ухлаш меъёри тўрт соат қилиб белгиланган. Аммо бугунги замон олимлари нормал уйқу сифатида 8 соатни қайд этади. Умуман олганда, уйқуга тўйган мия яхши ишлайди. Узлуксиз узоқ вақт давом этган бир хил иш-ҳаракат инсон саломатлиги ва руҳиятига қаттиқ таъсир ўтказади. Бундай шароитда инсон ўзига ўзи "шифокор", ўзига ўзи "психолог" бўлиши керак. Бугунги замонавий психолог олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, бадантарбия рефлекс бўлиб қолиши учун узлуксиз 66 марта машқ қилганидан сўнг одатда айланади. Демак, уй шароитида сахар туриб, тоза ҳавода жисмоний машқлар бажаришни одат қилиш, кўпроқ ҳўл мева ва сабзавотлар ейиш, суюқлик ичиш фойдалидир. Биринчи, иккинчи уринишда инсон кўнглидагидек бадантарбия қила олмас, аммо кейинги сафарларида ўзида

чиниқиш ҳосил қилади.

"Инсон ҳаёт тарзини ўзгартирса, руҳият гигиенасига риоя қилса, яъни хаёлидаги хавотирлардан халос бўлса, уйқу гигиенаси (ухлашдан олдин овқат емасликка, хонани шамоллатиб олиш) га амал қилса, у эрталаб тиниқиб уйғонади", – дейди психолог. Эрта уйғонгач эса, аста-секин жисмоний машқларни шартли рефлексга айлантиради.

Ибн Синонинг "Тиб қонунлари" китоби бугунги кунда нафақат юртимиз, балки жаҳон тиббиёт соҳасида ҳам кенг фойдаланилиши сир эмас. Ушбу асарда бадантарбия қилган кишига дард яқин келмайди, дея таъкидланган. Бунинг исботи сифатида соғлигингизда югурмасанг, касал пайтинг чоп-чоп қилсан, дейди доно халқимиз. Аслида тан чиниқиши руҳ чиниқишидир. Муқаддас китобларда, улғу аждодлар хикमतларида ҳам бу тўғрида олам-олам фикрлар ёзиб қолдирилган.

Қаранг, барвақт туришда қанча хикमत бор. Юқоридаги шеърда, юмор остига олинган аччиқ ҳақиқат ҳам айнан ўз соғлиғимизга ўзимизнинг қанчалар бефарқлигимизни англади, десак янглишмаймиз. Шундай экан, эртаданок барвақт туриб, бадантарбия қилишни одат қилинг! Зеро, ҳаракатда баракат дейдилар. Шундай эмасми?

Юлдуз ЎРМОНОВА,  
журналист.

## Кутлов

**Рўйи замин сайқали азим  
Самарқандда фаолият олиб бораётган**

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШ ВА  
УЙ ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА  
ХУДУДИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ  
ЖАМОАСИ**

азиз ва муҳтарам юрtdoшларимизни  
тобора яқинлашиб келаётган  
Янги йил билан чин дидан муборакбод этади.  
Юртимизни янада обод этиш йўлида  
ўзларининг бор куч-ғайратлари,  
билим ва тажрибаларини бахшида этаётган  
барча ватандошларимизга сиҳат-саломатлик,  
ишларида улкан муваффақиятлар тилайди.

**SANOAT QURILISH BANK**

**Aziz yurtdoshlar!**

O'zsanoatqurilishbank jamoasi sizlarni yaqinlashib kelayotgan Yangi yil bayrami bilan samimiy muborakbod etadi.

2025-yil barchangizning oilangizga baxt, qalbingizga quvonch, dasturxoningizga fayzu baraka olib kelsin!

Xizmatlar litsenziyalangan

## Реклама

**MAXAM-CHIRCHIQ**

**SHOSHILING !!!**

Kaltsiy va magniy mikroelementli  
**AMMIAKLI SELITRA**  
Birja savdolarida.

**Mahsulot sertifikatlangan**  
№ UZ. SMT.01.080.64398163  
GOST 2-2013

Manzil: Toshkent viloyati Chirchiq shahri Toshkent ko'chasi 2-uy.

Tel: +998 (7071) 5-25-20, 5-34-40, 9-35-08.  
Faks: +998 (7071) 6-40-79, 6-55-46, 6-45-57.

info@maxam-chirchiq.uz  
www.maxam-chirchiq.uz

## Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси комплекс таркибидagi  
ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**  
Таҳрир хайъати:  
Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, Шавкат ҲАМРОЕВ,  
Ақтам ХАЙТОВ, Махмуд ТОИР,  
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),  
Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.  
Ҳажми 2 бося табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Буюртма Г-1217. 1020 нусxada чоп этилди.  
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақиланди.  
Таҳририят манзили: Ташкент вилояти Қиррай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. Телефонлар: 95-080-43-70, 99-050-69-45.  
Реклама ва эълонлар – (998 90) 317-19-16. e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нархда.  
Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди.  
Босмаҳона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6



ISSN 2030-7033  
Босишга топшириш вақти: 21.00  
Босишга топширилди: 19.45